



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИ ДАВЛАТ ДУМАСИГА САЙЛОВ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛГАНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Россия етакчисини Давлат думасига сайлов муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклаб, парламентнинг янги таркибига самарали фаолият тилади.

Суҳбатда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Хукуматлараро комиссия ва Худудлар кенгашининг навбатдаги йиғилишлари ҳамда Россияда Ўзбекистон маданияти кунларини натижадор қилиб ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар бўлажак икки ва кўп томонлама табдирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎЗА

ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЖАДАЛ ЎСИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев транспорт-логистика соҳасидаги йирик лойиҳаларнинг бориши юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ўсиши, саноат ишлаб чиқариши ва ташқи савдо ҳажмининг кенгайиши транспорт инфратузилмасини изчил ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистонни Тинч океанидан Европагача бўлган энг қисқа куруқлик йўлагининг асосий бўғинига айлантириш, халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бу борадаги устувор вазифалардандир.

2030 йилга қадар транспорт хизматлари ҳажмини икки баробар ошириш, соҳага 9,1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ва хизматлар экспортини 5,7 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Тақдимотда ушбу мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётган инфратузилма лойиҳалари, уларнинг муддатлари ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Аввало, аэропортлар қурилиши ва модернизацисни бўйича ахборот берилди.

Тошкент ва Бухорода умумий қиймати қарийб 3 миллиард доллар бўлган янги аэропорт мажмуаларини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Янги Тошкент халқаро аэропорти дастлабки босқичда йилига 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Лойиҳа доирасида давлат-хусусий шериклик битимлари имзоланиб, ҳудудни қурилишга тайёрлаш ва муҳандислик тармоқларини кўчириш ишлари амалга оширилмоқда.

Янги Бухоро халқаро аэропортида аэродром инфратузилмаси барпо этилмоқда. Йўловчи терминалини қуриш ва бошқаришга хусусий шериклик жалб қилиш бўйича халқаро тендер ўтказилмоқда.

Шунингдек, Урганч, Наманган аэропортларини давлат-хусусий шериклик асосида, Андижон аэропортини хусусий операторни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш лойиҳаларининг бориши кўриб чиқилди. Натижада аэропортларнинг ўтказувчанлиги оширилиб, йўловчиларга халқаро стандартлар асосида хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайди.

Автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Утган ойда қиймати 2,2 миллиард доллар бўлган Тошкент — Самарқанд пулли автомобиль йўли қурилишга старт берилди. Урганч ва Хива шаҳарларини боғловчи илк пулли йўл ишга туширилди.

Тақдимотда Тошкент — Самарқанд лойиҳасининг кейинги босқичларини молиялаштириш, Тошкент — Андижон ва Тошкент — Бўстонлиқ пулли йўллари бўйича инвесторларни аниқлаш ҳамда амалий ишларни бошлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Темир йўл тармоғининг ўтказувчанлигини ошириш бўйича таклифлар тақдим этилди.

Бугунги кунда асосий транзит йўналишларидаги қатор темир йўл участкалари юқори юклама билан ишламоқда. Саноат юклари ҳажмининг ортини ва янги юқори тезликдаги поездлар қатновининг йўлга қўйилиши мавжуд инфратузилмага талабни янада оширади.

Шу боис, Мактаарал — Сирдарё, Ангрен — Поп, Тошғузор — Бойсун — Кумқўрғон, Тошкент — Самарқанд ва Тўқимачи — Ангрен йўналишларини модернизация қилиш чоралари кўриб чиқилди. Ушбу ишларга 200 миллион доллар йўналтириш ҳисобига участкаларнинг ўтказувчанлигини 25-30 фоизга ошириш мумкинлиги қайд этилди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши, Тошкент — Самарқанд йўналишида алоҳида юқори тезликдаги темир йўл барпо этиш, ҳудудлардаги темир йўл тармоқларини кенгайтириш ва электрлаштириш лойиҳалари юзасидан ахборот берилди. Юк вагонлари паркинги янгилаш, мажур жараёнга хусусий секторни кенг жалб қилиш таклифлари ҳам муҳокама қилинди.

Халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва денгиз портлари орқали жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш масалалари алоҳида кўриб чиқилди.

Каспий денгизидagi Оқташ, Туркманбоши ва Боку, Қора денгиздаги Потти ва Анақлия портларида Ўзбекистон иштирокида логистика инфратузилмасини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар тақдимот қилинди. Хусусан, Потти портада логистика марказини ташкил этиш бўйича битим имзоланган, лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Анақлия портини ривожлантиришда, шунингдек, Туркиянинг Самсун ва Истанбул портларига чиқишга хизмат қилувчи Нахичеван темир йўли қурилишида иштирок этиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Мазкур лойиҳалар тўқимачилик, кимё, қишлоқ хўжалиги ва кон-металлургия маҳсулот-

ларини ташқи бозорларга етказиб бериш йўналишларини диверсификация қилишга хизмат қилади.

Халқаро йўлаклардан самарали фойдаланиш учун юртимиздаги логистика марказлари тармоғини ҳам кенгайтириш зарурлиги билдирилди.

Хонобод ва Ангрен шаҳарлари, Янгийўл, Оҳангарон, Олот ва Термиз туманларини транспорт-логистикага ихтисослаштириш бўйича берилган топшириқлар ижроси юзасидан ахборот берилди. Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 17 та логистика маркази ва терминал лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Уларни жойлаштириш, инвесторларни жалб қилиш, молиялаштириш ва зарур инфратузилма билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тақдимотда юк ташувларини рақамлаштириш ва соҳада аширин иқтисодиётини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Юк ташиш соҳасида кузатилмайдиган иқтисодиёт улуши ҳали ҳам 42 фоиздан юқори экани кўрсатиб ўтилди. Маҳаллий юк транспортларининг ягона реестри, электрон буюртмаларни шакллантириш ва барча транспорт хизматларини бирлаштирувчи электрон тизим мавжуд эмаслиги бу борадаги асосий муаммолардан ҳисобланади.

Шу боис, ягона рақамли транспорт тизимини яратиш, ташувчилар реестрини шакллантириш, электрон йўл варақаси ва буюртмаларни қабул қилувчи агрегатор хизматини жорий этиш таклиф қилинди. Халқаро ташувларда электрон руқсатномалар алмашинувини кенгайтириш ва юк ҳаракатини реал вақтда кузатиш имкониятларини йўлга қўйиш чоралари ҳам кўриб чиқилди.

Бу орқали ташувчилар учун қулайлик яратиш, норасмий хизматларни қонуний фаолиятга ўтказиш ва соҳада шаффофликни ошириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган лойиҳаларнинг муддатлари, молиялаштириш манбалари ва қутилаётган натижаларини аниқ белгилаб, уларни ўзаро уйғун ҳолда амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ МАҲАЛЛАЛАРДА АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ЭКОЛОГИК МУҲИТ ЯРАТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янги босқичга олиб чиқиш, маҳаллаларда аҳоли учун қулай экологик муҳит яратиш ва инновацион ечимларни жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда яшил ҳудудларни кенгайтириш, дарахтзор ва боғлар барпо этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, экилган кўчатларни сақлаб қолиш, уларни сугориш ва парваришлашни тизимли ташкил этиш борасида камчиликлар мавжуд.

Утган йил баҳорда экилган кўчатларнинг маълум қисми қуриб қолган. Ҳудуд иқлими ва тупроғига мос келмайдиган дарахтларни танлаш, сув таъминоти бўлмаган жойларга кўчат экиш, касаллик ва зараркундаларга қарши чораларнинг етарли эмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида барпо этилган ўрмонларни парваришлаш ва ҳимоя қилишда ҳам муаммолар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ишлар самарадорлигини экилган кўчатларнинг бир, уч ва беш йилдан кейинги ҳолати асосида баҳолаш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан кўкаламзорлаштириш ишларини илмий асосда ташкил этиш, ерни тайёрлашдан бошлаб сугориш тизимини яратиш ва кўчатларни камиди уч йил парваришлагача бўлган жараёнларни қамраб олувчи ёндашувлар тақдимот қилинди. Экиш муддатларини ҳар бир ҳудуднинг об-ҳаво шароити ва олимлар хулосаси асосида белгилаш, маҳаллий иқлимга мос, иссиқлик, совуққа ва сув танқислигига чидамли турларга устуворлик бериш кўзда тутилмоқда.

Ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда “3-30-300” тамойилга асосланган дастурларни амалга ошириш таклиф этилди. Бунда ҳар бир инсон яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойидан камиди учта дарахтни кўра олиши, аҳоли яшаш ҳудудининг камиди 30 фонзи дарахтлар сояси билан қопланиши, уйдан 300 метр масофада яшил дам олиш ҳудуди бўлиши кўзда тутилди.

Ушбу ёндашувларни турли табиий ва шахарсозлик шароитларида қўллаш бўйича Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт, Бухоро вилоятининг Олот ва Самарқанд вилоятининг Ургут туманлари учун ишлаб чиқилган лойиҳалар тақдим этилди. Янгиҳаётда маҳалла ва жамоат боғлари, соя-салқин сайр кўчалари ҳамда саноат қорхоналари атрофида “яшил белбоғ”лар барпо этиш режалаштирилган. Сизот сувларини тўплаб, сугоришда қайта ишлатиш, сув ўтказувчан қопламалардан фойдаланиш, органик қолдиқлардан компост тайёрлаш каби ечимлар назарда тутилмоқда. Кўкаламзорлаштириш ишлари саноат ташланмаларини камайтириш, ҳаво сифатини автоматик назорат қилиш ва чиқиндиларни бошқаришни тақомиллаштириш билан биргаликда олиб борилади.

Олот туманида чўл шароитига мос, сувни кам талаб қиладиган ўсимликлар ҳисобига яшил қопламани кенгайтиришга эътибор қаратилади.

ЎЗА

600 МИЛЛИОНЛИ МУАЛЛИМА

Бугуннинг шеъри



Буюк ўзбек йўли

БИЗ ҲАМ ЕЛКАМИЗНИ ТУТИБ БЕРАЙЛИК!

Биз филологлар ҳар бир масаланинг моҳиятидан, у иқтисодиёт бўладими, сиёсат ва ё ижтимоий тармоқ, барчасининг замиридан маънавият қидиришга ўрганганмиз. Қайси бир масаланинг, бирор янгилик ёки ҳаётда татбиғини, ғоянинг маънавий қувватларини пайқасақ, кўнглимиз равғанлашади.

► Давоми 6-бетда



Бир мактаб бор Қонлиқўлда, бир мактаб бор, Шоир бўлсанг, етмиш элга шу мактабни мактаб бор.

Дилбандларнинг камолдир давру замон матлаби, Янги замон мактабидир. Янги замон мактаби.

Ҳар ўғил-қиз бахт-толеи бўйнимдаги қарзимдай, Яна юз йил дoston қилиб қуйлаб ўтсам арзигаъ.

Ҳар янги уй, янги бино муқаддималаримдир, Муаллимларимдир менинг, муаллималаримдир.

Мафтун бўлиб кезгаъ эдим тушиб шеърий аршимдан, Янги Қорақалпоғистон ногоҳ порлаб чикди қаршимдан.

Янги боғча опалару мураббийлари қадар, Вазирлардан тортиб токи кўчабийлари қадар.

Бир муроду мақсад учун жипслашган қалбдир бу, Қирқ миллионли миллат эрур, қирқ миллионли халқдир бу.

Ҳар мактабга, ҳар манзилга айта-айта қайтиб бор, “Эсар Жайхун шамоллари”н қайта-қайта айтиб бор.

Қадим тарихлардан келган армонли қўл Қонлиқўл, Довруғи элда таралган, бугун шараф-шонли қўл.

Шу маконда бир мактаб бор, иккинчи сонли мактаб, Шоир бўлсанг, етмиш элга шу мактабни бор мактаб.

Президент томонидан улуг иш ҳам илтифот: Олти юзу миллионлардир устозларга муқофот!

Амриқоча лафзда айтсам — бу эълик минг доллардир, Янги давру замонлардан эсган шаън шамоллардир.

Бундай пулни — гарчи ишлаб, тер тўкиб толмагандир — Жорж Вашингтон жаноблари ўзи ҳам олмагандир.

Менинг муаллималарим — мунис опа-сингилларим, Сизнинг “Ватан дарслари”да сел бўлди кўнгилларим.

Юз минглаган шоғирдлардан сизга шараф-шон, синглим, Мартабалар қутлуг бўлсин Нигорахон, жон синглим.

Худойим, ҳар бир кўнгилга меҳр беру шафқат бер, Шундай янги замонларнинг шавкатига шавкат бер.

Марғилондан Мўйноқ қадар, Зоминдан токи Устюрт, Олтин давринг қутлуг бўлсин она юртим, ота юрт!

Биз жон чексак, еру осмон боғ бўлгаъ, чаман бўлгаъ, Бизнинг Ватан бу оламда бетимсол Ватан бўлгаъ.

Менинг ҳам бор шоирлигим — Бурчим, бурчилигимдир, Янги давру замон бирлан оғизбирчилигимдир.

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар нафаси бизнинг олис шаҳарчамизга ҳам етиб келди. Президентимизнинг эътибори сабаб туғуруқхона масаласи атрофлича ўрганилди. Ўтган йили шаҳарчамизда замонавий туғуруқ мажмуаси қуриб берилди. Бугун минглаб оналар фарзандини ўз маҳалласида, замонавий ва қулай шароитда дунёга келтирмоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news




Муносабат

мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан алоқалари мустаҳкамланди.

Президентимизнинг шу йил 24 июндаги “Маҳалла бошқаруви самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони маҳаллалар ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Маҳаллаларнинг мустақиллиги ва масъулиятини янада қучайтириш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, инсон қадрини юксалтириш бўйича дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида шаҳарчамизга ривожлантириш учун 100 миллиард сўм ажратилган бўлди. Бундай воқеа илгари ҳеч қачон бўлмаган. Шу боис, бундан нафақат биз, балки бутун Оролбўйи эли бирдек қувонди. Қучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшилди. Энди биз ҳам давлатимиз яратиб бераётган шундай имкониятларнинг қадрига етиб, билдирилган ишончга меҳнатимиз билан муносиб жавоб берамиз.

“Қорақалпоғистон” шаҳарча фуқаролар йиғини қисқа муддатда янги Ўзбекистоннинг энг намунали, обод, хавфсиз ва тараққий этган ҳудудларидан бирига айланди. Бунинг учун етарли маблағ ажратилган. Муҳими, эътибордан қўнғилимиз тоғдек юксалди. Йўлимиз раволашиб, дилимиз чарогон бўлди.



УШБУ МАҚОЛНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ўқиш учун
QR-КОДИНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



Президентимиз ташриф давомида “Кегейли барака насли парранда” корхонаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Лойиҳанинг умумий қиймати 7,8 миллион доллар бўлиб, умумий майдони 21 гектарни ташкил этади. Корхонада маҳаллий 70 киши доимий иш ўрни билан таъминланган.



Хурлиман БЕРДИЕВА,
пенсияер

ЭЗГУ ИШЛАРДА КАМАРБАСТАМИЗ

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Нукус туманидаги Дийқан арна маҳалласида қатор нурунийлар ва туман фаоллари билан учрашуви чоғида суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим.

Мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг келажаги, миллатимизнинг равнақи учун қуноқ тун тиним билмай ишламоқда. Жумладан, биз, нурунийлар ҳам давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан баҳрамандимиз. Ўз навбатида, биз ҳам нафақа олиб уйда бамайлихотир ўтирмай, Президентимиз ёнида эзгу ишларда камарбаста бўламиз. Ёшларнинг тўғри тарбияланиши, маҳалла аҳлининг оғизбирчилигига яшаши, меҳнат қилиши ва ривожланиши йўлида қўлимиздан келган ёрдамни аямийимиз.

Эътибор бериб қаранг: дунё алғов-далғов, қўп давлатлар но-тинч. Шундай паллада Президентимизнинг одилона сиёсати туйғайли қўшни давлатлар билан дўстлик ришталари қайта боғланмоқда.

юритмоқда. Таълим 7 тилда олиб борилса, теле ва радиодастурлар 12 тилда эфирга узатилади, газета ва журналлар эса 14 тилда нашр этилмоқда. Сўнгги йилларда миллатлараро муносабатлар соҳасида 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳам ушбу йўналиш ҳуқуқий жиҳатдан илҳом мустаҳкамнаётганидан далолат беради.

Шу ўринда яна бир ҳаётий ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Иқтисодий фаровонлик, ижтимоий ишонч бор жойда бирдамлик янада мустаҳкамланади. Кейинги йиллардаги ислохотлар сабаб юртимизда ана шундай аҳиллик, бирдамлик руҳи кучайди. Халқимиз қалбида ишонч мустаҳкамланди. Бунни Қорақалпоғистон ривожига янада берилган имконият ва имтиёзлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Оролбўйида солиқ имтиёзлари берилиб, фойда, ер ва мол-мулк солиқлари 2 баравар, саноат корхоналари учун электр тарифи 15 фоиз пасайтирилган. Ижтимоий солиқ эса атиги 1 фоиз этиб белгиланган. Булар тадбиркорлар

учун катта қанот бўлди. Ўтган йили ҳудудга 1 миллиард 700 миллион доллар сармага киритилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётимиз 10,2 фоиз ўсган. Шу жиҳатдан Қорақалпоғистон Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринга чиқди.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Президентимиз эътибори, яратиб берган шароитдан илҳом олган қўп миллатли халқимиз аҳил-иноқ бўлиб, фидокорона меҳнат қилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда ғўзал анъанага айланган катта ташаббус ва янги имтиёзлар билан Оролбўйига ташриф буюрди. Масалан, келаси йил март ойидан Тошкент ва Нукус ўртасида тезкор поезд қатнови йўлга қўйилади. У сафар вақтини 16 соатдан 7 соатга қисқартиради. Бу қувончли хабар ҳозирданқо бизга қанот бағишламоқда. Шунингдек Туямўйил сув иншооти реконструкция қилиниб, Қўнғиротдан Мўйноққача 100 километр янги ичимлик сув тармоғи тортилиши элимиз фаровонлигини янада оширади. Қўнғирот, Қораўзақ ва Тахитавот “яшил саноат йўли” ҳамда “интеллектуал иқтисодиёт учбурчи”га айланади. Сунъий интеллект ва дата марказлар соҳасида 8 миллиард долларлик лойиҳалар доирасида минглаб ёшларимиз юқори даромадли иш ўрнига эга бўлади. Яна бир қувончли

ҳолат. Тахтакўпирда Италия компанияси билан 50 миллион долларлик лойиҳа асосида етиштирилаётган маҳсулотлар Европага экспорт қилинади. Нукус туманида эса 10 минг гектарда чет эл таърибаси асосида қовунчиликни ривожлантиришга қаратилган ҳолдинг тузилади. 30 минг гектарда шўрга чидамли олхўри ва ўрик плантациялари барпо этилиши эса минг-минглаб оилаларга қут-барака олиб келади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам биз кутмаган даражада катта лойиҳаларга старт берилди. Масалан, Нукус шаҳрида йирик “Университет тиббий кластери” ташкил этилади, Бўзатов ва Тахтакўпирда меҳнат қилаётган шифокорларга 200 фозигача ойлик устама бериладиган бўлди. Ёшлар давр талабига мос равишда касб-ҳунар ўрганиши учун Нукус шаҳридаги 1-техникумда 70 та давлат тан оладиган халқаро диплом бериладиган бўлган. Бунинг учун халқаро даражадаги ўқув дастури йўлга қўйилган.

Ана шундай катта марралар олинган бир паллада жамиятда аҳиллик бўлса, мақсадга етиш осон кечади. Юртимиздаги қисқа вақтда эришилган катта ютуқларнинг сирини шунда. Бугун ҳар бир қорақалпоғистонлик “Ҳамиша сен хизмат этган халқ учун, ўзим дема ғамхўрлик ҳал халқ учун” деган пурмаъно сўзларни дилига тутиб, ишонч ила олға интиломоқда.

ЙЎЛИМИЗ РАВОН, ДИЛИМИЗ ЧАРОҒОН БЎЛДИ



Қутли ҚОШИМБЕТОВА,
Қўнғирот туманидаги
“Қорақалпоғистон”
шаҳарча фуқаролар йиғини
раиси

Биргина туғуруқхона йўқлиги боис, узоқ йиллар аёллар азият чекди. Яқин ҳудуддаги туғуруқхонага бориш учун 350 километр йўл босиб ўтиш керак эди. Бу йўл эса талаб-а умуман жавоб бермасди. Оқибатда туғуруқ муддати яқин қолганида келинларимиз туман марказига кетар, ўша ердан ижара уй

Биз яшайдиган “Қорақалпоғистон” шаҳарча фуқаролар йиғини Қўнғирот тумани марказидан қарийб 350 километр узоқда жойлашган. У мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларидан. Қўздан олис ҳудуд бўлгани учун шаҳарчамизга унчалик эътибор берилмасди. Ҳатто инфратузилма деган тушунчанинг ўзи йўқ эди десак, ҳам бўлади. Аҳолининг турмуш тарзи ҳам шунга яраша бўлган.

топиб, ой-кунни келишини кутарди. Гоҳида энг синовли даврда бир ойлаб уйдан олисда яшашга мажбур бўларди.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар нафаси бизнинг олис шаҳарчамизга ҳам етиб келди. Президентимизнинг эътибори сабаб туғуруқхона масаласи атрофлича ўрганилди. Ўтган йили шаҳарчамизда замонавий туғуруқ мажмуаси қуриб берилди. Бугун минглаб оналар фарзандини ўз маҳалласида, замонавий ва қулай шароитда дунёга келтирмоқда. Шунинг ўзиёқ инсон қадрини юксалтириш борасидаги ислохотлар амалда самара бераётганидан далолат.

Кейинги йилларда ҳудудимиз ҳаёти тубдан ўзгарди. Жумладан, 2018 йилда “Қорақалпоғистон” шаҳарчасининг “Обод қишлоқ” дастурига киритилиши тарихий бўрилиш бўлди. Дастур доирасида замонавий маданият саройи барпо этилди. Ички йўللарга асфальт ётқизилди. Қўчаларга ёриткичлар ўрнатилди. Мактаблар ва

мактабгача таълим ташкилотлари тубдан янгиланди. Бугун посёлкамизга келган киши ўзгаришларни кўриб, янги Ўзбекистондаги ислохотлар нафасини яққол ҳис қилади.

Муҳим, бу ишлар бир марталиқ эмас, балки изчил давом этмоқда. Шу боис, халқимизнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Йиллар давомида аҳолини энг қўп қийнаган муаммолардан бири автомобиль йўлларининг ҳолати эди. Бу нафақат транспорт ҳаракати, балки иқтисодий

2024 йилда Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнеу халқаро автомагистралининг 240 километр қисми реконструкция қилинди. Натижада ушбу қўп йиллик муаммо ўз ечимини топди. Ушбу йўл сабаб чекка ҳудудлардаги аҳолининг

ҚОРАҚАЛПОҚ ЭЛИГА КАТТА ЛОЙИҲАЛАР ОЛИБ КЕЛИНМОҚДА

Бугун мамлакатимизда хусусий мулкни ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу эса ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли даромадини ошириш ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Раҳима ЮЛДАШЕВА,
Халқ депутатлари Беруний
тумани кенгаши депутати

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида аҳоли даромадини ошириш бўйича қилинган тизимли ишларнинг амалдаги исботини ҳудудларда очилаётган иш ўринлари мисолида кўриш мумкин. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазиригиз ташаббуси билан Кегейли туманида ташкил этилган иссиқхона мажмуасига 12,5 миллиард сўм имтиёзли маблағ ажратилиб, 5 гектарда замонавий енгил тилдаги иссиқхона барпо

этилди. Натижада дастлаб ижтимоий реестрда турган 50 оила камраб олинди, улар учун доимий иш ўрни очилди.

Танлаб олинган ҳар бир эҳтиёжманд оилага 10 сотихдан иссиқхона майдони ажратиб берилган. Энг муҳими, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини лидер тадбиркор бозор нарҳида сотиб олади. Шунингдек, мазкур иссиқхона комплексига йилига 1000 кишини иссиқхона хўжалиги ва деҳқончилик соҳаси бўйича ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Мазкур тизим аҳоли учун кафолатли ва барқарор даромад манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, иссиқхона яқинида жойлашган 350 метрли зовурда 500 бош ўрдақ боқишга мўлжалланган махсус ўрдақхона ташкил этилган. Лойиҳа доирасида оила-ларга Бразилиядан келтирилган “Фаворит” насли ўрдақлардан 10 бошдан тарқатиб берилган. Бугун зовурлардан ҳам самарали фойдаланиш ва даромад топиш имконияти яратилмоқда.

Президентимиз ташриф давомида “Кегейли барака насли парранда” корхонаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Лойиҳанинг умумий қиймати 7,8 миллион доллар бўлиб, умумий майдони 21 гектарни ташкил этади. Корхонада маҳаллий 70 киши доимий иш ўрни билан таъминланган. Ҳозир корхонада 130 минг товук парвариш қилинаётди. У туман иқтисодиётига катта ҳисса қўшиш билан бирга аҳолининг бандлиги таъминланишига хизмат қилипти. Энг муҳими, Кегейли туманида иш бошлаган ушбу корхона Оролбўйи ҳудудининг парранда гўшти ва туҳумига эҳтиёжини қондирибгина қолмай, экспортга ҳам чиқариломоқда. Жорий йилнинг сентябрига қадар Афғонистонга 1,1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Президентимиз бундай мажмуалар келгусида йирик паррандачилик ҳолдинларига айланиб, нафақат янги, балки юқори маошли иш ўринларини очишга хизмат қилиши кераклигини қайд этди.

Бугун биз бirlашиб, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун бирга ҳаракат қилсак, ҳар қандай юксак маррага эришамиз. Президентимиз қорақалпоқ элига ҳар бир ташрифда катта лойиҳаларни олиб келмоқда. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашиш учун яратилаётган имкониятлар, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар тараққиётининг мустаҳкам асосини яратмоқда.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — УМУМИЙ ЮТУҚЛАРИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи қалбимизга чексиз ғурур, фахр ва эртанги кунга мустаҳкам ишонч бағишлади. Мана шундай бағрикенг, турфа миллат ва элат ягона ватан, бир бутун халқ бўлиб яшайдиган юртининг фарзанди эканимиздан чексиз фахрландик. Миллатлараро тотувлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат энг буюк куч ва ҳаётий таянчимиздир. Шу боис, юртимизда мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ахир аҳиллик бор жойда барака, унум бўлади!

Ҳа, халқнинг энг катта бойлиги турли маданият вакилларининг бир заминда тинч-тотув яшай олишида. Бир-бирининг қадриятларини ҳурмат қилган жамиятда умумий мақсадлар йўлида ҳамжиҳат бўла олади.


Янги Ўзбекистон сиёсати марказида “Инсон қадрини ҳурмат қилиш” эзгу ғояси муҳассас. Бу қадрият миллати, тили ва динидан қатъий назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқарога тегишлидир. Янгиланган Конституциямизда ҳам миллатлараро тотувлигини

мустаҳкамлаш, барча фуқаролар учун тенг шароит яратиш қафолатлари янада қучайтирилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг куч-қудратини унинг қўп миллатли халқининг бирлиги ва жипслигидадир. Бунинг учун эса амалий ишлар бажариломоқда. Масалан, Ўзбекистонда 130 дан ортқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари тинч ва аҳил ҳаёт кечирмоқда. Мамлакатда 157 та миллий маданий марказ ва 46 та дўстлик жамияти фаолият



Алмагул БАЙРИЕВА,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети
сиёсатшунослик ва маънавият
асослари кафедраси мудири,
сиёсий фанлар доктори,
профессор, Қорақалпоғистон
Республикаси Жуқорғи
Кенгеси депутати



Давлат устаскилгилнинг дастлабки йилларидаги вафизалар билан бутунги масалалар ўргатса катта фарқ бор. Уша пайтда миллий иктисодсизниётнинг ҳукукий ва институцийонал асосларини яратили, ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, миллий молия тизими ва иктисодий бошқарув механизмиларини шакллантириш ҳаётий зарурат эди. Бутун эса мамлакатимиз олдига рақобатбардор иктисодсизниёт барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратилишinson капиталини қучайтириш, ҳажон бозорларида муносиб ўрин эгаллаш ва аҳоли фаровонлигини янги поғонага қўтариш вафизаси тўғрили.

Миллий иқтисодий пойдеворнинг яратилиши

Бу жараён осон бўлмади. Ишлар чикириш алоқаларининг узилиши, янги бошқаруларни излаш, аҳолининг зарур товарлар билан таъминлаш, миллий молиявий тизимни шакллантириш, давлат бошқарувиининг янги иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш каби вазифалар бир вақтиннг ўзида ҳал этилиши лозим эди.

Шу даврда яратилган иқтисодий пойдевор кейинги тараққийёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга кўс эди. Миллий валюта таъсис этилди, бошқаруви маънабатларининг ҳуқуқий асослари шакллантиди, хусусий мулк ва тадбиркорлик институти қадар торпи, миллий банк-молуа тизими


**Тўпланган салоҳиятни
янги босқичга олиб чиқиш
эҳтиёжи**

Шу нуқатдан назардан, мамлакатимизни тараққий-
ётгани сифатинан жамъияти янги босқичга олиб
чиқди зарурати тобора аққол намоян бўлди.
Иқтисодий ўсишнинг ресурслар ва имкониятларини
кенгайтириш билангина таъминланганнинг самара-
си чекланган борар, барқарор тараққийд учун янги
ўсиш омилларини янги солиш зарур эди. Бу за-
монавий технологияларни кенг жорий этиш,
хусусий таъаббуш ва тadbиркорлик фаоллигини
рабатлантириш, инвестицияларни жалб қилиш
ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллашти-
ришга асосланган янги иқтисодий ёндашуви-
ни шакллантиришни тақозо этиди.

**2017-2026 йиллар:
ислохотларнинг
муҳим даври**

Валюта бозорининг либерallasштирилиши бу жараёндаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Тадбиркорлар учун валюта операциялари- ни амалга ошириш имкониятини кенгайтиши ташқи иқтисодий фаолиятга янги шароит яратди. Хорижий инвестор учун ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг очкичили ва капитал ҳа- ракатининг қулайлиги муҳим омилга айлан- ди.

Иқтисодий ўсish кўламининг кенгайиши мамлакатимиздаги ислохотларнинг муҳим натижаларидан. 2025 йил якунига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,7 фоизни



Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлангандек, изоҳолотлар тўғрйли мамлакатимизда йилга жалб қилингандағи хорижий сармоя ҳажми аввалги 2-3 миллиард доллардан ҳозир 40-50 миллиард долларга чига ошган. Шунингдек, "Ўқитишнинг эркинлиги индекси"даги ўрнимиз 80 поғона яхшиланиб, мамлакатимиз ўқитишнинг мўътадил, эркин давлатлар қаторидан жой олган. Ҳз йил олдида 2030 йилга мўъжаллаб белгиланган 160 миллиард долларлик ялпи ички маҳсулот кўрсаткичига эришиш вазифаси глобал ноаниқликларга қарамай, айнан шу йилнинг ўзига ортиги биланга бажарилиши кўтилмоқда. Бу эса мамлакатимизни даражамў ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига олиб чиқали.

Экспорт таркибидики сифат ўзгаришлари иқтисодийётнинг тақдир бозорларга чиқиш имконияти тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради. Бу жараёнда хомашё экспортни билан чекланиб қолмай, юқори қўйилган қийматга эга тайёр ва қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда таъши бозорларга етказиб бериш, шунингдек, хизматлар экспортини изчил кенгайтириш миллий иқтисодиёт системасини муҳим йўналишларидан бириг айланмоқда. Натигада экспортнинг нафақа ҳажми, балки таркиби ва иқтисодиётда яратилган қўйилган қийматгадги улушини оширишга ҳам катта эътибор қаратишмоқда.

Бу жараён янги иқтисодий муҳитнинг бошқ. белгиларини ҳам юзага чиқармоқда. Рақамли тех. нологиялар, стартаплар ва инновацион тадбир. корлик учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ташқи иқтисодий очиқлик

2026 йил биринчи ярмида ташқи савдо айланмасида Хитой 9,5 миллиард доллар, Россия 7 миллиард доллар, Қозғоғистон 2,8 миллиард доллар, Туркия 1,4 миллиард доллар ҳажми билан етакчи савдо ҳамкорларимиз қаторида бўлди. Қирғизистон билан савдо 624,6 миллион долларни ташкил қилди.



Шунинг учун 2026 йилда тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган алоҳида стратегияни ишлаб чиқарилаётгани ҳам иқтисодий сис-теманing узoқ муддатли хусусиятини кўрсатади. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқариш Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан бир қаторда иқтисодий ва минтақавий тадқиқот тузилмалари иштирок этмоқда.

ришга интилиши ҳамда инвестициявий ва савдо-
алоқаларини ривожлантиришга қаратилган ён-
дашуви мамлакатимизнинг халқро иқтисодий
муносабатлардаги аҳамиятини оширмоқда. Бу
эса юртимиздаги иқтисодий ўзгаришлар ташқи
иқтисодий алоқалар, минтақавий интеграция ва
глобал иқтисодий жараёнлар билан узвий боғлиқ
ҳолда кечаётганини кўрсатади.

Иқтисодий тараққиётимизни Марказий Осиёдаги ўзгаришлардан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Сунги йилларда қўшни давлатлар билан сиёсий ишончининг кучайиши иқтисодий ҳамкорликка ҳам янги суруъат берди.

2016 йилда Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан савдо айланмаси қиймати



Қозғоғистон билан ҳамкорликда саноат кооперацияси, автомобилсозлик, энергетика, кимё, металлургия, фармацевтика, логистика ва қурилиш материаллари каби тармоқларда қўшма лойиҳаларнинг кенгайиши кузатишмоқда. 2026 йил май ойида икки давлат инвестиция ва савдо соҳасидаги қилишувлари амалга оширишга қаратилган янги "йўл харита"сини имзолади.

Тожикистон билан муносабатларда 2026 йили янги сийёсӣ ва иқтисодий босқич бошланди. Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йилгилик якунлари бўйича савдо айланмаси ҳажмини ошириш, саноат кооперацияси, инвестиция, тоғ-кон саноати, инновация, агро-саноат мажмуаси ва туризм соҳаларида қатор ҳужжатлар имзоланди. Уттан йили икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси қиймати 1 миллиард долларга яқинлашди.

Бу мисоллар Марказий Осиёдаги яқинлашувнинг сиёсий мулоқот билан чекланиб қолмаётганини кўрсатади. Янги йўллар, электр энергияси, саноат кооперацияси, чегараданли савдоси, логистика, туризм ва инвестиция лойиҳалари минтақадаги давлатларнинг иқтисодий манфаатларини тобора кўпроқ бир-бирига боғламоқда.

Президентимиз томонидан Марказий Осиёни “умумий инвестиция ва савдо макони”га айлантириш гояси илгари сурилётгани ҳам ана шу жараёндаги стратегик йўналишни белгилайди. Минтақада транспорт ва савдо боғлиқлигини кучайтириш, умумий инвестиция платформаларини яратиш, қўшилган қиймат занжирларини шакллантириш борасидати ташаббуслар иқтисодий манфаатлари умумий тараққийёт мақсади билан ўйгунлаштирилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя ва инсон капитали

Иқтисодиётнинг ўсиши жамият ҳаётида ўз аксини топаданагина тараққиётнинг мазмунини тўлиқ намоён бўлади. Шу боис, янги Ўзбекистонда ижтимоий сўёсат иқтисодий ислохотларнинг табиий давомига айланди.

Қамабоғлиқликни қисқартиришнинг давлат сўёсати даражасига кўтарилиши бу борадиги энг муҳим ўзгаришлардан бўлди. Ижтимоий ҳимоя тизимида эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва меҳнат бозорига кириш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган янги механизмлар шаклланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мазкур йўналишдаги изчил саъй-ҳаракатлар туфайли камбағаллик даражасини 2017 йилдаги 35 фоиздан 2025 йилда 5,8 фоизгача, бүгүн эса

Инсон капиталига муносабатда ҳам сезиларли ўзгариш юз берди. Мактабгача таълим билан қамров 27 фоиздан 78 фоизга, олий таълим билан қамров 9 фоиздан 44 фоизга етгани таълим тизимидаги кенг қўламли янгиланишларнинг аниқ кўрсаткичидир.

Бу рақамлар замирида, аввало, муҳим ихтиомий мазмун муқассам. Мактабга таълим қаровининг кенгайиши болаларнинг таълим-тарбия жараёнига эрта жалб этилишини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг интеллектуал, ихтиомий ва шахсий ривожланиши, мактаб таълимига тайёргарлиги ҳамда кейинги таълим босқирларини самарали ўзлаштириши учун зарур шарт-шароитларни кенгайтирмоқда. Олий таълим қаровинини орттиришга эса ёшларнинг замонавий билим ва касбий қўнқималарни эгаллаши, меҳнат бозорига ўз ўрнини топиши ва рақобатбардошлигини ошириши учун янги имкониятлар яратмоқда. Бу жараёнлар узок муддатли истиқболда инсониятнинг сифатини юксалтириш, иқтисодиётнинг билим ва инновацияларга асосланган тармақларини ривожлантириш ҳамда юқори



Шу сабаби таълим, соғлиқни сақлаш, ихтиёمنى ҳимоя ва бандлик соҳаларида сармоя киритишга иқтисодий сёбатдан алоҳида қараб бўлмайдۇ. Билимни, касбни, соғлом ва меҳнат бозорига талаб юқори бўлган инсон мамлакат иқтисодиётининг энг қimmatли капиталига айланади.

Ихтиёمنى сёбатнинг тобора манзилли ва инсон манфаатларига йўналтирилган туш олаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ёндашувда ихтиёمنى кўмак кўрсатишининг ўзи билан чекланиб қолмай, инсон ва oilаси учун барқарор даромад манбасини шакллантириш, касбий кўникмаларни эгаллаш, меҳнат бозорига муносиб ўрин топиш ва иқтисодий фойда ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга устувор аҳамият берилмоқда. Бундай ёндашув ихтиёمنى ҳимоя-ни вақтичаллик кўмак механизми даражасидан инсоннинг иқтисодий мустақиллиги ва фаро-нонлигини таъминлашга қаратилган барқарор тизимга айлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг халқлари реингиларига қайта таътиган натижалари ҳам мамлакатимиздаги иқтисодий ва институционал ўзгаришларнинг халқаро майдонда акс садосини кўрсатуви мўҳим индикаторлардан. Хусусан, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг 2025 йилги Глобал инновациялар индексида 79-ўринни эгаллашмиш мамлакатимизда инновациялар салоҳиятини ривожлантириш, билим ва технологияларга асосланган иқтисодий фаолиятни кенгайтириш борсида муайян натижаларга эришилганлигини кўрсатади. 2026 йилда стартап экотизмининг жадал ривожланаётган бораётгани эса янги технология ечимлар, инновация тадбиркорлик ва янги бизнес ташаббусларининг иқтисодий таракқиятида аҳамияти ортиб бораётганин намўн етмоқда. Бу жараёнда иқтисодийда билим, технология, инновация ва хусусий ташаббусга таянган янги ўсиш омиллари тобора мўҳим ўрин эгаллаётганини кўрсатади.

Мамлакатимиз таракқиётининг келгуси босқичи ҳам худ шундай мантик асосида давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбари мустакиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган еттига миллий дастурни эълон қилди. Хусусан, иқтисодийоти юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказишга қаратилган учинчи миллий дастур доирасида келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хоржий инвестиция жалб этилиши, 2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 300 миллиард доллара етказилиши, санаоьда 2 миллионга юқори даромадди иш ўрни очилиши ҳамда жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг 10 минг доллардан ошиши белгиланган. Бу ваъзалар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда унинг натижаларини аҳоли фараонлигининг барқарор ва узоқ муддатли юксалишига хизмат қилдиришга йўналтирилган.

Янги Ўзбекистон тараққиёт фалсафасининг мазмун-моҳияти давлат салоҳиятининг инсон имкониятлари билан уйғунлаштириш, иқтисодий ўсишни аҳоли фараҳлониши ва ҳаёт сифати юксалишига узвий боғлаш, ички ислохотларни эса ташқи очиклик ва минтақавий ҳамкорлик билан мустаҳкамлашда намойён бўлмоқда. Бугунги устувор вазифа мустақиллик йилларида яратилган иқтисодий ва иجتимоий-педагогик янгида мустаҳкамлаш, эришилган натижаларни янги имкониятлар билан боғиштириш ва мамлакат тараққиётини билим, меҳнат, тадбиркорлик ҳамда инсон капиталига таянган сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқишдан iborat.

Шу маънода, мустақилликнинг 35 йиллик таърибаси эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш билан бирга келгуси тараққиёт учун янги мақсад ва масъулиятни англашга ундайди.

“Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир масалага бу қадар батафсил, синчковлик ва қўнт билан ёндашувида улуг бир ҳикмат кўраман. Балки бу фазилатлар буюк аждодларимиздан мерос бўлган инсонпарварлик ғоясининг Президентимиз томирларида жўш ураётгани натижасидир деб ҳаёл қиламан. Аллоҳ пешонасини сийлайман деган халқига унинг муносиб фарзандини раҳнамо қилиб юборади!



Суюн КАРИМОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали тадбирда сўзлаган нутқини тинглаганимизга ҳам 30 кунга яқин вақт бўлиб қолибди. Аммо ўша кун — 28 августдан буён қалбимизни бир давъатона фикр нурга, қувончу фахрга, шукроналик туйғусига тўлдириб турибди.

“Бир неча юз йиллик орзулар рўёбга чиқаётган бу бетакор маконда бутун халқимиз билан ҳали яна кўплаб қувончли ва тарихий воқеаларга гувоҳ бўламиз”. Мамлакатимиз етакчисининг бу гапи замиридаги ҳаётий оҳандан олам-олам маъно, қўтлуғ бир муждалар тўйдик.

Бунда, аввало, юз йиллик орзулар рўёбга чиқаётгани ҳақида айтмоқ жоиз. Агар фикрни бир жойга жамлаб таҳлил қилсак, кейинги 10 йилда давлатимиз раҳбарининг тинимсиз меҳнати, қатъий сиёсий иродаси ва энг муҳими, халқимизга буюк меҳри билан 100 дан зиёд соҳада туб ислохотлар амалга оширилганини фахмлиймиз.

Ҳозир уларнинг ҳар бирини алоҳида санасак, туркум-туркум дoston бўлади. Биргина маънавий соҳасининг ўзнда катта ўзгаришлар гувоҳи бўлялмиз. Бу жажжи болаларимизни мактабга таълимга қамраб олишдан тортиб, азиз фарзандларимизни китобхонликка жалб этиш, ёзувчи-шоирларимиз, зиёлиларимизга эътибордан маҳаллалардаги маънавий муҳитни қўр олдиришгача бўлган қўтлуғ жараёндарда кўзга ташланади.

Давлатни қудратли қилиш ғоя билан амалга ошадиган жараён. Бу ғоя атрофда бутун бир халқ бўлиб бирилашиб эса маънавий тафаккур билан рўёбга чиқади.

Биз ҳозиргина Президентимизнинг мустақиллик байрамидagi нутқига бежиз тўхталмадик. Бoиси, мазкур концептуал нутқ келгуси ўн йилликдаги миллий юксалиш йўлимизни белгилаб берган муҳим сиёсий, ижтимоий-маънавий ҳужжат сифатида қалбимизга муҳрланди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқига миллий қадриятларимизнинг қайта тикланаётганини, ўзлигимизни тобора англаб етаётганимизни мустақиллик берган улуг неъмат сифатида баҳолади. Яна таъкидладики, “Жонажон Ватанимиз азалдан улуг мутафаккирлар, азиз авлиёлар, буюк алломалар юрти бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросга муносиб равишда Ислom цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Бурхониддин Маргиноний ёдорлик мажмуалари каби бетакорor илмий-маърифий даргоҳларни барпо этдик. Бу муҳташам ва табарруқ масканлар бутун нафақат юртимиз ва ислом олами, балки бутун жаҳон аҳлининг ҳақли эътирофига сазовор бўлмоқда. Биз бундай бунёдкорлик ишларини жадал давом эттирамиз”.

Мана шу нуктада “бутун халқимиз билан ҳали яна кўплаб қувончли ва



БИЗ ҲАМ ЕЛКАМИЗНИ ТУТИБ БЕРАЙЛИК!

тарихий воқеаларга гувоҳ бўламиз” деган қўтлуғ бир ишонч ҳисси вуҷудингизни қамраб олади. “Биз бундай бунёдкорлик ишларини жадал давом эттирамиз” деган мақсад эса бизни маънавий юксалишлар ҳақида фикрлашга ундайди.

Ушбу гапларни телевидение орқали эшитганимда мамлакатимиз раҳбарида миллий ва диний қадриятларимизга, аждодларимизга эҳтиром ғояси кеча пайдо бўлган эмас деган фикрлар хаёлимдан ўтди. Чунки мамлакатимиз етакчиси 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида оламшумул нутқ сўзлаб, жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишнинг энг муҳим вазифа деб ҳисоблаши ҳақида сўзлаган ва бу борада Ўзбекистонда қилинаётган ишлар тўғрисида хабар берган, Имом ал-Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарорини ҳам ўша ерда маълум қилган эди. Шундан сўнг Имом ал-Бухорий мангу кўним топган манзилда бирин-кетин бинолар қад кўтара бошлади. Аввал ана шу тилга олинган марказ, ортидан Ҳадис илми мактаби ташкил этилди. Мана, энди қаршимизда улкан меъморий обида — Имом ал-Бухорий мажмуаси қад кўтариб турибди.



сўрар ва “Халқимизда етти ўлчаб, бир кес” деган мақол бор, биз бу ерда қилаётган ишларимизда етмиш ўлчаб бир кесшимиз керак” деган гапни айттар экан.

Мажмуа қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилганига 6 ой атрофида

энди бу кўрсаткич 65 мингга етган. Вилоят ҳокимлиги маълумотларига кўра, мажмуа очилган биринчи ойдаёқ 1 миллиондан ортиқ зиёратчи келган.

Мажмуа ҳузурида туризм маркази мавжуд. Ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо этилган. Жумладан, 1 та тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли меҳмонхона, 176 ўринли 22 та оилавий меҳмон уйи ҳамда автотураргоҳ қурилган. Мазкур объектлар тўлиқ коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, обodonлаштириш ишлари бажарилган. Мажмуа ҳудудида 130 мингдан зиёд гул, бута ва дарахт кўчати экилган. Қадамжодаги барча кўкаламзорлар замонавий ёмғирлатиб сугориш тизими орқали парваришланади.

Қўтлуғ маскан яқинида янги туризм объекти — “Kampung Indonesia” (Индонезия маҳалласи) ўз фаолиятини бошлаганидан хабардор бўлган, бошқа исломий давлатлар ҳам бундай маҳаллалар барпо этиши мумкинлигини кўз олдига

алломанинг 1225 йиллигини нишонлаш бўйича қарор қабул қилган ва шу қарор асосида 10 гектар ерда янгидан мақбара ва 1500 киши сиғимига эга масжид қурилган.

Энди қаршимизда турган мажмуа аввалгисидан мутлақо фарқ қиладиган, чинакам маънодаги бетакорor меъморий обидага айланган эди. Билдикки, мажмуа майдони 45 гектарга кенгайтирилибди, 10 минг кишига мўлжалланган янги масжид қурилибди. Мақбара кенгайтирилибди, баландлиги 23 метрга етказилибди. Қадамжода 14 мовий гўмбаз ва ҳар бири 75 метрли 4 та минора қад кўтарибди. Энг илғор ва замонавий ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей ташкил этилибди. Унга ўтган пайгамбарлар, жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси ва ҳаётига, Имом ал-Бухорийнинг илмий меросига, ҳадислар жамлиниши ва ёзлиши тарихига оид бебаҳо маълумотлар жойлаштирилибди. Хуллас, қаршимизда нафақат Самарқандда, балки мамлакатимизда ҳам ягона бўлган санъат мўъжизаси турарди!

Мажмуа қурилиши билан қизиқиб, директор Саҳобиддин Арзиқулов билан суҳбатлашдик. Унинг гувоҳлик беришича, мажмуа бош меъмори Президентимизнинг ўзи бўлган. Бу ерда бажарилган ҳар бир иш — каттасидан кичигигача унинг бевосита маслаҳатлари билан қилинган. Ҳар таширф буюрганида аввал берилган топшириқлар натижасини сўраган, ортидан эса наватбда бажариладиган вазифаларни тайинлаган.

Англадикки, қурилиш материалларининг улкан имкониятларини яқол намoён тошлар чет элдан — Италия, Туркия, Португалия, Грециядан, устунлар Ҳиндистондан келтирилган. Ҳирот оқ мрамарини эса 16 та юк машинасида афғонистонлик биродарларимиз юборганини интернет манбаларидан ўзим ўқиганман. Ҳунарманд усталарнинг ҳам бир қисми ташқаридан — Туркия, Марказий Осиё масоакатларидан таклиф қилинган. Аммо асосий масъулият самарқандлик маҳаллий усталар зиммасида бўлган.

Мақбарага бўёқ мутлақо ишлатилмаган. Пештоқлардаги арабча ёзувлар ҳам кўйма ҳолида маҳкамланган. Ёғоч рангда кўринадиган устунлар аслида тошдан ясалган. Ҳамма ишлар кўлда бажарилган. Ҳамиша мовий рангда жилоланиб турадиган ҳовузлар микроклимни барқарорлаштириб туради. 600 йиллик чинорлар эса сақланиб қолган.

Мажмуа илгари 12 минг кишига хизмат қилиш имкониятига эга бўлган бўлса,



2020 йил ҳамон ёдимизда. Ўша йили қиш ойларидан бирида биз, нурунийларга Президентимизнинг Имом Бухорий мажмуасини қайта қуриш борасидаги топшириғи ва бу ишни пухта амалга ошириш режаси ҳақида айтилиб, оқсоқоллардан дуо олинганди. Мана шу гапнинг бўлганига 6 йил ўтибди. Бизга мажмуа қурилиши бир қадар чўзилгандай туюлганди. Бунинг сабабини кейин англаб етдик. Давлатимиз раҳбари ҳар гал Самарқандга таширф буюриб, мажмуа қурилишдан хабар олганида, берган ҳар бир топшириғи бўйича натижа

вақт ўтди. Шу орада бориб, муборак бу маскани зиёрат қилганимизда, уни кўздан кечириш анча юзаки бўлганини энди англадим. Яқинда меҳмонлар баҳонасида Имом ал-Бухорий мажмуасига яна бордик. Бу галги сафаримиз бутунлай бошқача бўлди — уни эримасдан томоша қилдик.

Биз бу манзилнинг мустақилликдан олдинги ва кейинги ҳолати ҳақида тасаввурга эга эдик. Авваллари бу ерда улуг муҳаддис қабри жойлашган кичиккина мақбара ва унинг ёнида қурилган масжид ҳамда экилган бир неча чинорни билардик, холос. 1997 йилда ҳукуматимиз



вақт ўтди. Шу орада бориб, муборак бу маскани зиёрат қилганимизда, уни кўздан кечириш анча юзаки бўлганини энди англадим. Яқинда меҳмонлар баҳонасида Имом ал-Бухорий мажмуасига яна бордик. Бу галги сафаримиз бутунлай бошқача бўлди — уни эримасдан томоша қилдик.

Биз бу манзилнинг мустақилликдан олдинги ва кейинги ҳолати ҳақида тасаввурга эга эдик. Авваллари бу ерда улуг муҳаддис қабри жойлашган кичиккина мақбара ва унинг ёнида қурилган масжид ҳамда экилган бир неча чинорни билардик, холос. 1997 йилда ҳукуматимиз



келтирган одамда фахрлишидан бошқа яна қандай туйғулар кечиши мумкин?

“Саҳиҳ ал-Бухорий” Қурьони Каримдан кейинги энг ишончли ва мўътабар манба ҳисоблангани каби фавқулодда санъат асари ва меъморлиқнинг бебаҳо намунаси бўлган бу мажмуага ислом оламининг буюк зиёратгоҳи мақоми берилишини умид қиламиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу бетакорor мажмуа янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини яқол намoён этади. Дарҳақиқат, зиёратгоҳ халқимиз учун, жаҳондаги барча муслмонлар учун эзгулик ва маърифат нуруни таратадиган қўтлуғ масканга айланиб бормоқда.

2022 йил август ойида бўлиб ўтган бир воқеа ҳамон ёдимдан чиқмайди. Ўшанда Самарқандда “Боқий шаҳар” мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлган, унда Президентимиз нутқда мамлакат истиқболи ҳақида марoқ билан сўзлаган эди.

Орадан кўп ўтмади. Тарихий ва замонавий шарқона архитектура услубида қурилган ва 212 гектарни қамраб олган бу улкан мажмуа ҳар йили 2 миллион сайёҳга хизмат қиладиган, бундан ҳам муҳими, халқаро форумлар ўтказиладиган масканга айланди.

деган халқига унинг муносиб фарзандини раҳнамо қилиб юборади!

Бу гигант илмий-маърифий иншоотларнинг қурилиши янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги залворли қадамлардир, асларга таътигулик ислохотлардир. Улар Аллоҳ томонидан бир инсонга юқтирилган буюк тафаккурнинг меъморий ҳосиласидир. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз ғоялари наватбма-навбат амалга ошмоқда. Халқимиз маънавий баркамоллиги учун беминнат хизмат қилмоқда.

Учрашувларнинг бирида давлатимиз раҳбари келажагимизни яратишга ҳозирланаётган ёшларга елкасини тутиб беришга тайёр эканини айтганини эслайман. Кўлида ор-номусимиз рамзи — мамлакатимиз байроғини маҳкам ушлаган, қалбидан юрт тинчлиги, ватан ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида чинакам фидойилигини ибрат қилиб кўрсатаётган яловбардор раҳбаримизни нега кўллаб-қувватламайлик, нега камарбаста бўлмайлик?! Нега Президентимиз учун биз ҳам елкамизни тутиб бермайлик?! Бу борада ҳар биримизнинг — нурунийларнинг ҳам, ўрта бўгин ва ёш авлоднинг ҳам ўз бурчлари ва вазифалари бор. Зеро, уларни аниқ ва вақтида бажариш Ватанимизга ва Президентимизга садоқатимизнинг ёрқин далили бўлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-946. 29323 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмулов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй Ўза яқини — 20:40 Топширилди — 23:30
Кабулхона: (71) 233-56-33 Эълолар бўлими: (71) 233-70-98	E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05	Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60	“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.	